



Q A R O R

2006 йил « 1 » Апрел

№- 332 -К

Фермер хужалигини ташкил қилиш
хамда ер майдони ажратиш тугрисида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8-ноябрдаги ПК-215-сонли «2006 йилда кишлоқ хужалиги кооперативларини (ширкат хужаликларини) фермер хужаликларига айлантириш тугрисида»ги қарорининг хамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 203-К-сонли ва туман ҳокимининг 2005 йил 10-ноябрдаги 687-К-сонли қарорларига асосан кишлоқ хужалик маҳсулотларини етиштирувчиларнинг асосий шакл сифатида фермер хужаликларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек кишлоқда бозор инфратузилмасини комплекс ривожлантириш мақсадида, Шодмонов Давроннинг фермер хужалиги ташкил этиш тугрисидаги аризасини хамда «Гулистон» ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссияси аъзоларининг 2006 йил 23-февралдаги танлов яқунлари баённомасига ва шу ширкат хужалиги жамоатчилик кенгашининг ижобий хулосасига асосан ва туман статистика бўлимининг 2006 йил 9-январдаги 30-06-сонли «GULISTON YULDUZI-SH.D.SH.»га ухшаш ном мавжуд эмаслиги тугрисидаги маълумотнома-гувоҳномасини инобатга олиб

Қ А Р О Р К И Л А М А Н :

1.«Гулистон» ширкат хужалигини тугатиш ва қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 23-февралдаги туман ҳокимлиги биносига утказилган тендер яқунлари буйича баённомасида голиб деб топилган Шодмонов Давроннинг «GULISTON YULDUZI-SH.D.SH.» фермер хужалиги пахта-галлачилик йуналишида ташкил этилсин.

2.«GULISTON YULDUZI-SH.D.SH.» фермер хужалигига «Ўздаверлойиха» олийгоҳи Самарқанд филиали мутахассисларининг қайта йуклама қилиш қайдномасига асосан умумий майдони 24,3 гектар, шундан: сугорилиб ҳайдаладиган ери 22,6 гектар, ариқлар 1,2 гектар, йуллар 0,3 гектар, бошка ерлар 0,2 гектар ер майдонлари 50 йилга ижарада фойдаланишга ажратиб берилсин.

3.Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиги (Б.Абдураззоков)га ер кадастр ва балл бонитети асосида мазкур фермер хужалигига ажратилган ер майдонларини узок муддатли ижара шартномаси, тегишли меъёрий ҳужжатларни ва давлат гувоҳномасини тайёрлаш;

-туман ҳокимлиги хузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат руйхатидан утказиш инспекцияси (М.Курбоновга) мазкур фермер хужалигини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20-августдаги 357-сонли қарори талаблари асосида давлат руйхатидан утказиб, гувоҳнома бериш;

-туман Давлат солиқ инспекцияси (А.Тураев)га мазкур фермер хужалигини молиявий фаолияти устидан назорат урнатиш, солиқ ва бошка мажбурий туловларини тартибга солиш;

-иктисослашган тижорат банкларига мазкур фермер хужалиги учун ҳисоб ракам очиш;

-туман статистика бўлими (З.Эргашев)га мазкур фермер хужалигининг статистик ҳисоботларини қабул қилиш ва умумлаштириш вазифаси юклатилсин.

4.Мазкур фермер хужалигига ер майдони ажратишда ширкат хужалигининг копланмай қолган дебитор ва кредитор қарзларининг, ажратилаётган ер майдонларига мутаносиб равишда таксимланиб, ундирилишини таъминлаш Гулистон ширкат хужалиги қайта ташкил этиш комиссия раиси Т.Алқаров зиммасига юклатилсин.

5.Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан Оқдарё туман ҳокимининг 2006 йил 12-январдаги 57-К-сонли қарори уз қучини йукотган деб ҳисоблансин.

6.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ширкат хужаликларини қайта ташкил этиш комиссия раиси уринбосари Н.Жураев зиммасига юклатилсин.

7.Мазкур қарорнинг тасдиғи Вилоят ҳокимидан суралсин.

Туман ҳокими :-

Ш.Негматов

Ш.Негматов